# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 4 июнь, № 110 (5277) Шанба


# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Навоий кон-металлургия комбинати ўзининг ҳудуди, фаолият доираси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари ва ишчилари сони, ижтимоий дастурларни молиялаштириш тажрибаси, умуман, иқтисодиётни ривожлантириш борасида мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Айниқса, истиқлол йилларида бу ерда кўплаб янгиликлар жорий этилгани, ноёб технологиялар қўлланилгани унинг салоҳиятини янада оширди.***

**Ислоҳот**

Комбинатнинг Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод, Зафаробод шаҳарларидаги корхоналари томонидан фосфорит, ош тузи, қоплама тошлар, қурилишда ишлатиладиган қум, оҳактош конлари жадал ўзлаштирилаётгани ана шундан далолат беради.

Албатта, малакали кадрлар ва илғор технологияларсиз ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш мушкул. Шу боис жамоада ишчи-ходимлар маҳоратидан оқилона фойдаланиш, уларнинг тажрибаларини ошириш ва корхоналарни модернизация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада қисқа муддатда корхоналар хорижнинг энг замонавий кон-шахта транспортлари, металлургия, бурғилаш, геология-қидирув, қурилиш, машинасозлик, металлга ишлов берувчи ускуналари билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда).



# ЯПОНИЯНИНГ ФУКУСИМА ПРЕФЕКТУРАСИ АҲОЛИСИ НОМИДАН МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Японияннинг Фукусима префектураси губернатори Юхей Сатонинг миннатдорлик мактуби келди. Мактубда 2011 йил 11 март куни юз берган табиий офат оқибатида талафот кўрган Японияннинг мазкур минтақаси аҳолисига Ўзбекистон томонидан изҳор этилган чуқур ҳамдардлик ва кўрсатилган гуманитар ёрдам учун миннатдорлик билдирилган.

Юхей Сато — Ўзбекистоннинг самимий дўсти. У икки марта — 1999 ва 2001 йилларда мамлакатимизга ташриф буюрган.

Фукусима префектураси губернаторининг мактубида шундай дейилади:

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизга Японияннинг шарқида рўй берган зилзила муносабати билан самимий қўллаб-қувватлаганингиз ва Ўзбекистон халқи номидан чуқур ҳамдардлик билдириб йўллаган мактубингиз учун Фукусима префектураси аҳолиси номидан миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Вайронагарчиликларга сабаб бўлган ер силкиниши ва цунами нафақат префектурамизга катта зарар етказди, балки «Фукусима-1» атом электр станциясида ушбу ҳудуддаги кўплаб аҳолининг эвакуация қилинишига олиб келган аварияни келтириб чиқарди.

Ҳозир Япония халқи ўзининг барча саъй-ҳаракатларини атом электр станциясидаги авария билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратмоқда. Мамлакатимизнинг барча аҳолиси мисли кўрилмаган табиий офат оқибатларини бартараф этиш йўлида янада жипслашди ва ўзбек халқининг самимий қўллаб-қувватлаши ёрдамида табиий офат оқибатида вайрон бўлган ҳудудларни тикламоқда.

Биз табиий офатдан кейин мамлакатимизни тиклашга ва префектурани қайтадан қуришга азму қарор қилганмиз. Биз, шунингдек, янги, хавфсиз Фукусимани барпо этиш йўлида барча куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Сизнинг префектурамизни тезда тиклаш борасидаги самимий қўллаб-қувватлашингизни юксак қадрлаймиз ва Яратгандан Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишини сўраб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Юхей Сато,**
**Фукусима префектураси губернатори».**

Япония халқи бошига тушган оғир мусибат мамлакатимизда ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Президентимиз Ислом Каримов биринчилардан бўлиб 2011 йил 11 март куни бу мудҳиш фожиа муносабати билан Япония раҳбарияти ва халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Ўзбекистон халқи Япония халқининг қайғусига шерик эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбарияти Япония халқига гуманитар ёрдам юкини жўнатишга қарор қилди ва гуманитар ёрдамнинг асосий қисми табиий офатдан нисбатан кўп зарар кўрган Фукусима префектурасига етказиб берилди.

Халқларимиз ўртасида йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлик алоқалари бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Япония, шу жумладан, Фукусима префектураси ўртасидаги самарали муносабатларнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Фаолияти Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги маданий алоқалар ва академик алмашув масалаларига йўналтирилган «Фукусима — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликка яхши мисолдир. Мазкур уюшма томонидан ўзбекистонлик талабаларнинг Японияда амалиёт ўташи, мусиқий жамоаларнинг концертлари ва бошқа муҳим тадбирлар ташкил этилмоқда.

Фукусима префектурасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича «Датэ — Ўзбекистон» уюшмаси таъсис этилган ва бу уюшма Фарғона вилояти билан мазкур йўналишда муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Халқимизда дўст кулфатда билинади, деган мақол бор. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатга ёрдами халқимизнинг бизга яқин ва дўст Япония халқи қайғуси ва унинг бошига тушган кулфатга бефарқ эмаслигидан далолатдир.

**«Жаҳон» АА.**

# ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ ПАЛЛАСИ




***Муайян миллатнинг тараққиёт даражасини белгиловчи мезонлардан бири, шубҳасиз, унинг таълим тизими нечоғли ривожлангани билан боғлиқдир. Бошқача айтганда, таълимни юксалтирмаган мамлакат ёки миллат тараққий этиши амри маҳол.***

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳани тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Тарихан қисқа муддатда улкан муваффақиятларга эришилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун бу борадаги ютуқларимизнинг ҳуқуқий асоси, гарови бўлганини таъкидлаш керак.

Бугун замона шиддати шу даражада тезкорки, у билан ҳамқадам юриш осон эмас. Давр бошқа соҳалар сингари таълим жабҳаси олдига ҳам янгидан-янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Тизимнинг келажаги бу муаммоларнинг нечоғли ўз вақтида ечим топишига боғлиқ экани сир эмас. Таъбир жоиз бўлса, бугун замондан олдинроқ юриш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори ана шу эҳтиёж самараси бўлганини эътироф этиш зарур.

Қарорда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар билан жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги давр талаби бўлган бу масала юзасидан чора-тадбирлар мажмуи илова қилинган. Зеро, биз йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз натижасида таълим ривожида ҳар қачонгидан ҳам юксак марраларга эришдик. Энди соҳани модернизациялаш — муттасил равишда такомиллаштириб бориш заруриятдир, эҳтиёждир.

(Давоми 4-бетда).

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

***Инсон умри давомида ҳаётнинг жуда кўп пасту баландликларига дуч келади. Тақдир деймиз, замона зайли деймиз, баъзан одам умидсизликка тушади, баъзан эса қийинчиликларга ён бермай, ёруғ кунлар илинжида яшайди.***

**Дил сўзи**

Кунлар, йиллар ўтавераркан, чархпалак айланиб, ҳақиқат барибир қарор топаркан. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришдик, турмушимизга барака кирди, кексаю ёш бирдек ардоқланди, муқаддас қадамжоларимиз обод қилиниб, шаҳару қишлоқларимиз чирой очди. Бу хайрли ишлар натижаси бугун кўз ўнгимизда бор бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Шу боис мен ҳам ўзимни энг бахтиёр инсонлардан бири деб биламан. Ахир бугунгидек дориламон кунларни кўришни кимлар орзу қилмаганди, дейсиз?!

Халқимизнинг яхши одатлари, анъаналари кўп. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат деган тушунча ҳам бизнинг онгимизга чуқур сингиб кетган ана шундай эзгу фазилатлардан саналади. Одамларимизнинг хайрли амалларни ўз хоҳиш-иродалари билан бажаришларининг боиси ҳам аслида шунда.

Бу йил 87 баҳорни қаршиладим. Уч фарзанд тарбияладим, бугун 12 нафар неварам, етти нафар эварам бор. Уларнинг эртасидан кўнглим тўқ. Биз, кексаларнинг эса қадримиз баланд, қаддимиз тик. Яхши яшашимиз, соғлиғимизни мустаҳкамлашимиз учун барча шароитлар яратиб берилган. Ўзимдан қиёс: ҳар йили Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган санаторийда ҳордиқ чиқариб келиш учун бепул йўлланма оламан. Шифокорларнинг ширин сўзи, табиатнинг хушҳавосидан руҳим енгил тортади, кучимга куч қўшилади.

(Давоми 2-бетда).

**Пойтахтимизда 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**

# Она табиатга муҳаббат рамзи

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, қатор халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда эътироф этилганидек, бугун мамлакатимизда узлуксиз экологик таълим-тарбия масалаларига юксак эътибор қаратилаётганлиги ёш авлоднинг она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идора вакиллари, мутахассислар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.***

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИ

## жадал ривожланишга хизмат қилади

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилдаги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси якунлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги ахборот кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил рўёбга чиқарилиши пировард натижада иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатларини ҳамда макроиқтисодий барқарорлигини таъминлади.

Чунончи, 2010 йил якунларига кўра, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, қурилиш ишлари ҳажми 8,1, чакана савдо айланмаси 14,7 ва пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,9 фоизга ўсишига эришилди. Бундан ташқари, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш, ташқи бозорга янада фаолроқ кириб бориш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 10,8 фоизга ва ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ҳамда мамлакат олтин-валюта захиралари ўсишини таъминлади.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ШИФОКОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим омил бўлаётир.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишларга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида қатор хорижий мамлакатлар тиббиёт муассасалари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Хусусан, Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш халқаро жамғармаси билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самарасида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани болалар шифохонасининг асосий биноси тўлиқ таъмирланиб, моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди. Шунингдек, мазкур жамғарма билан ҳамкорликда тиббиёт соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

***Мамлакатимизда парламент ислоҳотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши, икки палатали Олий Мажлиснинг шаклланиши ва фаолият олиб бориши парламентнинг назорат функциялари олдига янги вазифаларни юклади. Зеро, қонунларни ижро этиш, уларга тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги давр талаблари асосида ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга ошириладиган парламент назорати институти муҳим аҳамият касб этади.***

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Негаки, парламент назорати ижро этувчи ҳокимият ва унинг тизимига кирадиган давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан Конституция, қонунлар ва давлат дастурларининг ижро этилишини назорат қилиш, қонунларнинг ижросига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича махсус фаолиятдир. Парламент назорати натижасида нафақат қонунларнинг ижроси, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда ижро ҳокимияти фаолиятида қонунийлик таъминланади.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан амалга ошириладиган парламентнинг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларини янада кучайтириб, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга шарт-шароит яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, парламент назорати, аввало, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш, уларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи турли омилларни аниқлаш имконини беради. Айни пайтда мазкур институт мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, тегишли қонунларга назорат-таҳлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-талабларига сўзсиз риоя этиш масъулияти ва мажбуриятини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, шу даврга қадар Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Қонунчилик палатаси ва Сенат, уларнинг қўмиталари қарорлари ижроси устидан парламент назорати, молиявий парламент назорати, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасида парламент назорати, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган муҳим сиёсий қарорлар ижросига оид парламент назоратини амалга ошириб келарди.

(Давоми 2-бетда).

# ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар парламент назоратининг нуфузини, унинг кўлами ва самарадорлигини янада кенгайтирди. Хусусан, Конституциямизнинг 98-моддасига бу борада киритилган ўзгартишнинг моҳияти шундаки, эндиликда агар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Мамлакатимизда ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши билан парламентимиз ҳукумат фаолиятини назорат қилишнинг таъсирчан воситасига эга бўлди. Яъни бу ҳукуматнинг масъулиятини ошириш баробарида, унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда қонунийликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Конституциямизнинг 78-моддасида белгилаб қўйилган биргаликдаги ваколатлари қаторига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш масаласининг киритилгани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди. Маълумки, парламент назорати, кўп ҳолларда, ижро этувчи ҳокимият фаолиятига қаратилади. Бунда айрим масалаларда, яъни қонунлар, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларнинг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши парламент назоратига олиниб, унинг натижасида тегишли таъсир чораларини кўзловчи қарорлар қабул қилинади.

Бугунги кунда парламент мана шу конституциявий нормадан амалда самарали фойдаланиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келаётир. Чунончи, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида палатанинг Қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурига мувофиқ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги масала бўйича ахбороти юзасидан парламент эшитуви ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилдаги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси якунлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги ахборот кўриб чиқилди. Ушбу парламент назорати тадбирлари Концепцияда белгилаб берилган талаб ва вазифалар доирасида рўёбга чиқарилгани, айниқса, эътиборлидир.

Бугунги кунда парламент назоратининг турли шакл-шамойиллаларидан янада самарали фойдаланиш, бу жараёнда, айниқса, сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш айни муддаодир. Негаки, ривожланган давлатлар парламентлари тажрибасидан маълумки, ҳозирги кунда ижро этувчи ҳокимият ва унинг органлари устидан амалга ошириладиган парламент назорати, асосан, парламент сўрови, парламент тинглови, депутат сўрови, парламент тергови, парламент санкцияси, ишончсизлик вотуми, вазирларга сўровномалар юбориш, молиялаштириш устидан назорат сингари кўринишларда амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз парламенти фаолиятида ҳам парламент назорати шаклларининг илғор ва таъсирчан воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтганда, Концепцияда сиёсий тизимни модернизация қилишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг қонунчиликка киритилгани ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан амалга ошириладиган парламент назорати институтини янада такомиллаштиришга, бу соҳадаги мавжуд механизмнинг самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

**Н. АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ШИФОКОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Корея Республикасининг Ин Ха университети госпитали ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида Ин Ха университети госпитали шифокорлари — кардиолог, ортопед, окулист, педиатр, жарроҳлар “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг пойтахтимиздаги тиббий-ижтимоий марказида, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги қариялар пансионатида ҳамда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган “Маликработ” қўрғонида ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда аҳолини тиббий текширувдан ўтказди.

Жанубий кореялик шифокорлар, шунингдек, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги тарихий обидалар ва амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишдилар.

**(ЎзА).**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИ

## жадал ривожланишга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилиши, транспорт ва инфратузилма коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида сармояларни ўзлаштириш ҳажми ўтган йилда 13,6 фоизга ортганига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, 2010 йилда 1098 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, 296 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш якунланди. Қолаверса, “Қишлоқ қурилиш банк” очиқ акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобидан қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 6800 та уй-жой қурилиб, эгаларига топширилди.

— Мамлакатимизда инвестициялардан оқилона фойдаланиш ва Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил жорий этилиши натижасида қатор ютуқларга эришилмоқда, — дейди депутат С. Отамуротов. — Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича қўшилган қиймат солиғидан келиб тушган тушумлар ўтган йилда 2009 йилдагига нисбатан 32,4 фоизга кўпайган. Бу, ўз навбатида, республикамизда иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсатнинг ҳаётий самарасидир.

Табиийки, юрт тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожисиз, қолаверса, аҳоли бандлигини таъминлашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Йиғилишда социал-иқтисодий соҳанинг ушбу тармоқларида ҳам қатор ижобий натижалар қўлга киритилгани қайд этилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 2009 йилдаги 50,1 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етгани таъкидланди. Шунингдек, олиб борилган комплекс чора-тадбирлар шу давр мобайнида 953,7 мингта янги иш ўрнини яратиш имконини берди. Уларнинг 65 фоизи кичик бизнес ва фермерлик соҳасида ташкил этилгани эътиборга лойиқ. Аҳолининг реал даромадлари ҳам 2009 йилдагига нисбатан 2010 йилда 23,5 фоизга ўсди. Умуман олганда, 2010 йилда Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди ва инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

— 2011 йилнинг биринчи чорагида Давлат бюджети ижроси ҳам Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тизимли равишда ҳаётга жорий қилинаётгани ва иқтисодиётда ижобий ўзгаришлар давом этаётганини кўрсатмоқда, — дейди депутат А. Тўхтабоев. — Масалан, шу давр мобайнида ялпи ички маҳсулот 7,6, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,8, чакана савдо айланмаси 13,1, хизмат кўрсатиш ҳажми 12,6 фоизга ортгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Тадбирда жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 145 та ишлаб чиқариш объекти ўз фаолиятини бошлагани, товарлар ва хизматлар экспорти 28,5 фоизга кўпайгани, бу эса ташқи савдо айланмасининг 1224 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдосини таъминлагани айтиб ўтилди. Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилгани, ўз навбатида, ЯИМга нисбатан 0,3 фоизда профицит билан бажарилгани, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмагани таъкидланди.

Йиғилишда Давлат бюджети харажатининг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилгани — таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақа ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, бюджет маблағларининг ғазна ижросини таъминлаш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилганига урғу берилди. Унинг умумий ҳажми 2009 йилда 54,8, 2010 йилда 58,5, 2011 йилнинг биринчи чорагида эса 57,8 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, ҳисобот даврларида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, баъзи тармоқларда бюджет ва тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ҳамда кредиторлик, айниқса, бюджет олдида боқиманда қарздорлик ҳолатлари учраётгани муҳокама этилиб, жойларда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги айтиб ўтилди. Тадбирда ушбу масала бўйича тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди.

Бундан ташқари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот эшитилди. Унда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси, пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш, мониторингини юритиш ҳамда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

***Юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

# МАҲАЛЛА — МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАЙЗ-БАРАКА МАСКАНИ

Шу кунларда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ана шу мақсадга хизмат қилаётгани билан ҳам эътиборлидир.

Сирдарё вилоятида жами 352 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларнинг 9 таси шаҳарча, 68 таси қишлоқ, 275 таси маҳалла фуқаролар йиғинларидир. Уларнинг барчасида сайлов жараёнларига пухта ҳозирлик кўрилди. Жумладан, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари кўмаклашувчи комиссиялари, маҳаллаларда ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Сайловлар ўтказиладиган хоналар керакли адабиётлар билан таъминланди. Вилоят кўмаклашувчи комиссияси томонидан ишчи гуруҳ, вакил ва тарғиботчилар учун услубий йўриқномалар тайёрланиб, “Сирдарё ҳақиқати” газетасида чоп этилди. Вилоят телевидениесида ҳуқуқшунослар ва кўмаклашувчи комиссия аъзолари иштирокида давра суҳбатлари уюштирилди. Айни чоғда аҳолининг ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган тушунтириш тадбирлари ўтказилди. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳозир жойларда сайловлар қонунийлик, адолат, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида, уюшқоқлик билан ўтказилаётир.

Шу ўринда ишчи гуруҳларнинг фаоллиги боис барча маҳаллаларда сайлов жараёнлари демократик тамойиллар асосида ўтаётганлигини таъкидлаш жоиз. Яъни улар саъй-ҳаракати билан маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимлари учун номзодлар танлаш жараёнида барча фуқароларнинг иштироки таъминланди. Аҳолининг фаоллиги ҳар бир маҳалладан камида 3 нафардан 4-5 нафаргача катта ҳаётий тажрибага эга, аҳоли орасида ҳурмат қозонган, маҳалла аҳлининг бошини бириктира оладиган, ҳуқуқий саводхон, юксак маънавиятли номзодларни танлаш имконини берди. Айни чоғда бу ўша номзодлар орасидан энг муносибларини танлашда ҳам қўл келмоқда.

Шу кунгача вилоятимиздаги 352 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 253 тасида сайлов бўлиб ўтди. Уларнинг барчасида қонунийлик бош мезонга айланмоқда. Бу борада мунтазам ўтказиб келинаётган “Маҳалла кунлари” муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Мазкур тадбирлар доирасида мамлакатимизда, шу жумладан, вилоятимизда 20 йил давомида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари моҳияти аҳоли орасида кенг тушунтирилаётир. Жумладан, истиқлол даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, мазкур жабҳада эришган ютуқларимиз, шунингдек, фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида қўлга киритган натижаларимиз хусусида сўз юритилмоқда. Табиийки, бу фуқароларнинг сайлов жараёнларидаги фаоллигини оширишда ҳам қўл келаяпти. Гулистон шаҳри ва Ховос, Сирдарё, Боёвут, Гулистон туманлари, қисқача айтганда, вилоятнинг барча ҳудудларида бўлаётган сайловлар аввалгиларидан фарқли равишда ўтказилаётгани ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Сайловлар натижаларига қараб, шуни таъкидлаш мумкинки, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини теран ҳис этган, миллий ва маънавий қадриятларимизни асраб-авайлайдиган, ўзаро бир-бирини тушуниш, яхши қўшничилик ғоялари мазмунини чаққан, ёшларимизни турли ёт иллатлар таъсиридан ҳимоя қила оладиган муносиб номзодлар ушбу масъул лавозимларга сайланмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Маҳалла — демократия дарсхонаси” экан, маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларини энг муносиб юртдошларимизнинг бошқариши бу борадаги мақсадларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Ҳ. ОРТИҚБОЕВА,**
**Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Сирдарё вилояти комиссияси раиси.**

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Байрамларимизни айтмайсизми? Бири-биридан ажойиб байрамларимиз бор. Бундай кунларда хонадонларимизга йўқлаб келувчилар ҳар қачонгидан кўпаяди. Маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир дастурхон атрофида жам бўлиб, юртимиздаги улкан ўзгаришлар, турмушимизда рўй бераётган янгиликлар ҳақида дилдан суҳбатлашамиз. Мана, яқинда Хотира ва қадрлаш кунини нишонладик. Ўша куни Президентимизнинг Хотира майдонида кексаларга ҳурмат кўрсатиш, ёшларни тарбиялаш ҳақида айтган гапларини телевизор орқали эшитиб, жудаям таъсирландим. Барака топсинлар, шундай улуғ ишларнинг бошида турибдилар, ҳеч қачон кам бўлмасинлар.

Куни кеча неварам газетадан давлатимиз раҳбарининг “2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ўқиб берди. Унда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг турмушини бундан-да яхшилаш, ҳаётини фаровон қилиш, саломатлигини тиклаши учун қўшимча шароитлар яратиб бериш кўзда тутилибди. Эшитиб, хурсанд бўлдим. Айтинг, бундай меҳр яна қайда бор?

Умрим давомида кўп машаққатларни, урушнинг оғир синовларини бошдан кечирдим. Шунинг учун ҳам ёшларга насиҳат қилганда “Мустақилликнинг, тинчликнинг қадрига етинглар, яхши ўқиб, юртимизга содиқ фарзанд бўлинглар”, дея уқтираман.

Умуман, инсон ҳаёт экан, ўз умридан, ўтаётган кунларидан рози бўлиб яшаши керак. Бир мартагина бериладиган умрда одамзод яхши яшашга, ҳаётдан завқланишга, қадрланишга муносиб. Шу маънода, бизнинг давраларнинг тўрида юришимиз Президентимиз ғамхўрлигининг маҳсулидир. Ниятимиз, ёшу қари демай, ёлғиз демай, ҳаммага бирдек ғамхўрлик қилаётган Юртбошимиз омон бўлсинлар!

**Фатхулла НАЗРУЛЛАЕВ.**
Олмазор тумани



# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу, ўз навбатида, маҳсулотлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш баробарида, уларни экспорт қилиш имкониятини ҳам кенгайтирди. Комбинат жамоасининг “Қимматбаҳо металлар ва фосфорит маҳсулотлари ишлаб чиқариш”, “Поливинилхлорид ва полиэтиленли қувурлар ишлаб чиқариш”, “Қимматбаҳо металлар қотишмаларидан заргарлик буюмлари яратиш ва ишлаб чиқариш” ҳамда бошқа йўналишларда “ISO 9001:2000”, “ISO 14001:2004”, “OHSAS 18001:1999” халқаро сертификатларини қўлга киритгани бунинг исботидир.

Эътиборлиси, Навоий кон-металлургия комбинати кўп тармоқли саноат корхонаси бўлиши билан бирга, ўзининг такомиллашган инфратузилмасига эга бўлиб, бу ерда 60 минг нафарга яқин киши иш билан банд. Улар 2-гидрометаллургия заводини реконструкция қилиш ҳисобига маъданни қайта ишлаш ҳажмини йилига 26 миллион тоннага етказиш, фосфорит комбинати иккинчи навбатини қуриш эвазига қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотларни янада кўпайтириш, унинг бир қисмини четга сотиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Зеро, барчанинг мақсади битта: республикамиз иқтисодиётини юксалтириш, унинг дунё миқёсидаги нуфузини янада оширишдир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Навоий машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятидан лавҳалар.

**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

***Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш йўлидаги эзгу мақсадларга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Юртнинг бугуни ва эртасини ўйлаб қилинаётган бу ишлар самараси ҳар жабҳада яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги “Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги тадбирлар қамровини янада кенгайтиришга хизмат қилади.***

# БОЙИТИЛГАН УН

## инсон саломатлигида муҳим аҳамиятга эга

Мазкур қарорга асосан, бир қатор ташкилотлар зиммасига “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган.

— Марказимизда юқорида номи тилга олинган ҳар иккала қонун ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган, — дейди Бухоро вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг овқатланиш гигиенаси бўлими мудири Л. Қуллиева. — Худди шундай тадбирлар шаҳар, туман ДСЭНМларида ҳам белгиланган. Шу йўналишдаги фаолиятимизни мазкур дастурлар доирасида ташкил этаяпмиз.

Вилоятдаги учта қайта ишлаш корхонасида унни бойитиш йўлга қўйилган. “Бухородонмаҳсулотлари”, “Когондонмаҳсулотлари” ва “Қоракўлдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилаётган биринчи навли буғдой унининг ҳар тоннасига 120 грамм темир моддаси ва витамин аралашмаси қўшилаяпти. Масалан, шу мақсадда биргина “Бухородонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти томонидан бултур 3587 килограмм фортификант сотиб олинган ва қарийб 29576 тонна миқдорида биринчи навли ун бойитилган. Биламизки, кўпчилик ана шу навли унни истеъмол қилади, нархи ҳам ҳамёнбоп. Фортификация қилиниб ишлаб чиқарилаётган ун сифати марказ томонидан лаборатория йўли билан ўрганилиб борилмоқда. Таҳлиллар ун сифати талабга жавоб беришини кўрсатаяпти.

### Қонун ва ижро

— Цехимизда ҳар ойда ўртача 20-25 тонна тузни қадоқлаб, буюртмачиларга етказиб бераяпмиз, — дейди Бухоро туманилик хусусий тадбиркор Ўткир Ҳасанов. — Тузни йодлаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасидан олиб келамиз. Маҳсулотимизнинг сифатига кафолат берамиз.

Дарҳақиқат, аҳолини сифатли ош тузи билан таъминлаш ҳам долзарб масалалардан саналади. Ҳозир вилоят бўйича 7 та цехда тадбиркорлар томонидан йодланган ош тузи қадоқланиб, савдо шохобчаларига чиқарилаяпти. Марказ ходимлари ушбу цехларда ҳар ойда бир марта мониторинг ўтказиб, туз намуналари таркибидаги йод миқдорини текшириб боришмоқда. Шунингдек, савдо тармоқлари, деҳқон бозорлари ва ўқув-тарбия муассасалари ошхоналаридаги ош тузи намуналари ҳам лаборатория шароитида текширилмоқда. Шу таҳлиллар натижасида бултур маҳсулотнинг етти намунасида йод умуман йўқлиги, 227 намунада эса унинг миқдори меъёрдан камлиги аниқланди ва 11 тоннадан зиёд ош тузи истеъмолдан олинди.

— Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, аҳоли ўртасида эндемик буқоқ билан бирламчи касалланганлар сони вилоятимизда учраётгани ташвишли ҳолдир, — дейди Л. Қуллиева. — Ваҳолонки, йодланмаган туз болаларнинг нормал ўсишига ҳам, уларнинг ақлан ва жисмонан ривожланишига ҳам халақит беради, микронутриент етишмовчилиги касалликларига йўл очади. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу муаммоларнинг олдини олиш ва уларга ечим топишда муҳим дастуриламал бўлаяпти.

Айтиш жоизки, ҳукуматимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, 2015 йилгача беш ёшгача бўлган болаларнинг вазн танқислигини 2000 йилдагига нисбатан эллик фоизга камайтириш вазифаси қўйилган. Бинобарин, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида болаларнинг ўсиши, уларнинг жисмонан ривожланиши яхшиланади, оилаларда рационал овқатланиш маданияти ва кўникмалари шакллантирилади. Буларнинг бари микронутриент етишмовчилигига ишончли тўсиқ вазифасини ўташи муқаррар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАРБИЙЛАРГА ШИНАМ УЙЛАР

***Гулистон шаҳрида Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларига янги уйларнинг калити топширилди.***

**Эътибор**

Замонавий лойиҳа асосида барпо этилган, кенг ва шинам хоналардан иборат мазкур уч қаватли бинода барча қулайликлар яратилган.

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, хусусан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди офицер Рустамжон Нўъмонов. — Мана, биз ҳам тўрт хонали уй соҳиби бўлдик. Оила аъзоларим, яқинларимнинг қувончи чексиз. Бу мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тўйи арафасида биз учун ажойиб туҳфа бўлди. Яратиб берилаётган бундай беқиёс шарт-шароитларга муносиб бўлиб, Ватанимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигини сақлаш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.

Янги хонадонларнинг калитини қабул қилиб олган ҳарбийларнинг ҳар биридан ана шундай самимий дил изҳорларини эшитдик.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Изланиш**

***ҚАРШИ шаҳридаги "Ал-Саид" масъулияти чекланган жамияти жамоаси хориждан йилига 700 тонна резина гранулалар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технология келтириб, ишга туширди.***

## Ишбилармонлик меваси

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вилоят бўлими ажратган кредит ҳисобига харид қилинган ушбу технология шарофати билан яроқсиз ҳолга келган автошиналардан ёпиқ ва очиқ футбол майдонлари учун муҳофаза чизиқлари, югуриш йўлакларига мўлжалланган қопламалар, том ёпишда ишлатиладиган қатламлар тайёрланмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ.**

# Она табиатга муҳаббат рамзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, ҳозир жаҳон миқёсида глобал экологик инқирознинг олдини олиш вазифаси долзарб аҳамият касб этаётган бир пайтда табиат ва атроф-муҳит мусаффолигини асраш, ёшларимиз қалбида юртнинг ҳар бир қарич ерини азиз билиб, унинг гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшишга интилиш ҳиссини кучайтиришга эришиш ўта муҳимдир.

Айни мақсадда, мана икки йилдирки, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва "Тонг юлдузи" газетаси таҳририяти ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида "Онажоним — табиат" деб номланган республика иншолар танлови ўтказилмоқда. Эътиборлиси, ёшлар орасида экологик маданият даражасини юксалтириш, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш ва ижодий фаоллигини оширишга қаратилган мазкур танловга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир. Бу гал ҳам кўрикнинг якуний босқичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 200 нафарга яқин ўқувчилар иштирок этди. Улар орасидан энг намунали ижодий ишлар саралаб олиниб, ғолиблар ва уларнинг устоз-мураббийлари махсус сертификат ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Мактабдаги машғулотларда Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси фанидан кўпгина қизиқарли мавзуларни ўргандик, — дейди танлов ғолиби, Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 43-умумтаълим мактаби битирувчиси Умида Ҳамдамова. — Дарсларимиз Бухоро шаҳри, Қоровулбозор, Когон туманларидаги табиат музейлари, қўриқхона ва боғлар, экология марказларида ўтказилади. Шу боис "Онажоним — табиат" мавзуидаги иншо орқали ушбу сабоқларда олган таассуротларимни баён қилдим, табиатга муҳаббатимни ифода этдим. Ижодий ишим танловда фахрли ўринга сазовор бўлганидан жуда ҳам хурсандман.

Байрам тадбирида, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда "Medical Express" тиббий журнали таҳририяти ҳамкорлигида ўтказилган яна бир танловнинг ғолиб иштирокчилари тақдирланди. Тиббиёт, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва экология йўналишидаги энг яхши журналистик материаллар ҳамда тиббиёт ходимларининг махсус мақолалари учун эълон қилинган ушбу танлов ғолибларига турли номинациялар бўйича диплом ва мукофотлар топширилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БОЗОРЛАР – ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

***Бирор юртнинг қай даражада ривожланганлиги, халқи қандай яшаётганлиги ҳақида гап кетса, кўпинча "Ўша жойнинг бозорини кўр", дейишади. Шу маънода, бугун республикамизнинг қайси бозорида бўлсангиз, тўкин-сочинликнинг гувоҳига айланасиз.***

Албатта, ана шу бозорларда тартиб-қоиданинг назоратда бўлиши солиқ идоралари ходимларига ҳам бевосита боғлиқ. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор тамойилларига жавоб берадиган Давлат солиқ хизмати шаклланганини, Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси қабул қилиниб, солиқларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмлари жорий этилгани, солиқ органларининг яхлит тизими яратилгани бу борада ўз самарасини кўрсатаётир.

Хусусан, Фарғона вилоятида бозорлар, савдо комплекслари, уларга тегишли автомобиль тўхташ жойлари ва шу ҳудудлардаги тадбиркорларнинг фаолияти устидан доимий назоратни таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, табиийки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Вилоят бўйича юридик шахс мақомидаги 57 та бозор, уларнинг 64 та филиали ва битта савдо мажмуаси мавжуд. Шундан 26 таси деҳқон, 14 таси буюм, 16 таси ихтисослаштирилган ноозиқ-овқат, 38 таси мол бозори ҳисобланади. Мазкур бозорлар ва комплексларда жами 27836 та савдо ўрни бўлиб, жумладан, 1730 таси турғун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, 26106 таси савдо растасидир. 44 та юридик шахс мақомидаги бозор ва савдо комплексларида эса хизмат кўрсатишдан тушадиган тўловларни электрон касса орқали амалга ошириш мақсадида автоматлаштирилган банк тармоқлари ишлаб турибди.

**Назорат**

Жорий йилнинг 4 ойи давомида Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Фарғона вилояти бўлими томонидан 376 та қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Якунда 69 та ҳолатда назорат касса машиналарини ишлатмаслик ёки ҳужжат бермаслик, 66 та ҳолатда 10,2 млн. сўмлик нақд пул тушумини яшириш, 61 ҳолатда кирим қилинмаган 134,8 млн. сўмлик товарлар билан савдо юритиш кузатилди. Кирим қилинмаган товарлар билан савдони амалга ошириш ва тегишли ҳужжатларсиз савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳолатлари бўйича эса 391,2 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар, шу жумладан, 250,7 млн. сўмлик импорт товарлар олиб қўйилди.

4 та бозорда патта тўловини назоратга олиш бўйича қисқа муддатли текширишлар ўтказилганда эса, 4 та ҳолатда пештахта учун бир марталик патта бермаслик, 16 нафар назоратчи паттачида 826,7 минг сўм ортиқча нақд пул борлиги аниқланди. Жумладан, Қўқон шаҳридаги "Мумтоз" буюм бозорида ўтказилган қисқа муддатли текширув асносида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги 621-сонли қарори талабларини бузган ҳолда, 2 нафар назоратчи паттачи томонидан сотувчи фуқаролардан олинган 345,5 минг сўм нақд пул учун уларга чек берилмаганлиги аён бўлди. Шу билан бирга, бозор маъмуриятлари томонидан ҳеч қандай ижара шартномалари тузилмаган ҳолда, 109 нафар тадбиркордан 2010 йил ноябрь ва декабрь ойларида жами 22201,7 минг сўм маблағ ундирилганлиги ҳамда 543 та савдо ўрни дислокацияга киритилмаганлиги ошкор этилди.

Текширишлар натижасига кўра, "Мумтоз" буюм бозорининг моддий ва мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан, жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қисқача айтганда, бозорлар, савдо комплекслари фаолияти устидан доимий назорат олиб борилиши уларда тартиб-қоиданинг янада мустаҳкамланишига, муҳими, тўловлар ва тушумлар ҳажми ортишига хизмат қилмоқда.

**Х. ҲАБИБИДИНОВ,**
**Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари.** t



# ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ ПАЛЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини шунга мувофиқлаштириш — замон талаби. Чунки бугунги глобаллашув даврида айрим мавжуд йўналишлар ва мутахассисликларни эҳтиёждан келиб чиқиб янгилаш, янгиларини ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида бунга алоҳида эътибор қаратилгани соҳа ривожида муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Бугунги талаба билан кечагиси ва уларга яратилган шарт-шароит орасидаги фарқ, халқона таъбир билан айтганда, осмон билан ерча. Мақсад эса ягона — мамлакат келажаги бўлган баркамол авлодни тарбиялаш. Қарорда "ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш" масаласига алоҳида банд ажратилгани сабаби ҳам шунда. Чунки қандай шароитда яшаш ва ўқиш муҳим масала. Биргина мисол.

***Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасидаги талабалар тураржойлари Юртбошимиз ташаббуси билан замон талаблари даражасида қайта таъмирлангани ёшларнинг билими, дунёқараши, маънавияти ўсишига катта таъсир кўрсатди.***

Зеро, одам қандай шароитда яшаса, диди, маданий даражаси ҳам шунга мослашади. Талабалар шаҳарчасидаги ёшларнинг янгиланган тураржойлари, ҳатто, чет элликларда ҳам ҳайрат уйғотган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети магистранти кореялик Ли Че Рин дунёнинг камдан-кам мамлакатида талаба ёшларга бундай шароит яратилгани ҳақида ҳаяжон билан сўзлайди. Хорижий филология факультети 2-курс талабаси хитойлик Ли Дуннинг эътирофича, ўзбек ёшлари ўзларининг билимга ташналиги, фавқулодда қобилияти ва муттасил камолотга интилиши билан бундай эътиборга муносиб бўлишга ҳаракат қилаяптилар.

Маълумки, мамлакатимиздаги аксарият олий ўқув юртлари кўп йиллик тарихга эга. Шу сабабли улардан айримларининг биноларида замонавий таъмирга эҳтиёж бор. Қарорда бу масала ҳам эътибордан четда қолмаган. Жумладан, "...ҳар йили, молиявий харажатларнинг умумий тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида олий таълим муассасаларининг амалдаги техник ҳолати, шунингдек, ҳар бир олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб, уларнинг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш" масаласининг кун тартибига қўйилгани соҳанинг ҳар бир вакилини қувонтириши табиий.

Таъкидлаш керакки, муҳтарам Президентимизнинг ушбу қарори олий таълимда юксалишнинг янги палласи бошланаётгани исботидир. Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармаси ташкил этилгани, Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларининг аниқ кўрсатилгани мазкур қарор ижросининг кафолати, дейиш мумкин. Айниқса, "...хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2011 — 2016 йиллар мобайнида ҳомийлик ёрдами шаклида йўналтирилган маблағлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқарилиши" кўзда тутилгани Ватан ва миллат келажаги билан боғлиқ бу ишга ҳомийлар маблағларини жалб этиш имкониятларини бениҳоя кенгайтиради.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ҳар қандай касб эгалари меҳнатининг қадрланиши унга муносиб даражада ҳақ тўланиши билан чамбарчас боғлиқ. Қарорда профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилгани бу анчайин мураккаб, масъулиятли, шунинг баробарида, шарафли касб эгаларига кўрсатилган эҳтиром, дейиш мумкин. Хусусан, "...юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш" назарда тутилгани бунинг далилидир. Профессор-ўқитувчилар меҳнатининг бу даражадаги юксак эътирофи уларда ўз соҳасига бўлган муҳаббат, фидойилик туйғуларининг янада кучайишига сабаб бўлади. Касб малакаси ва маҳоратини мунтазам ошириб боришга рағбат уйғотади.

Эътироф этилган бир ҳақиқат бор: таълим чинакамига ривожланиши учун фан тараққий этган бўлиши шарт. Илм муттасил тараққий этмас, фанда эришилган энг сўнгги ютуқлар ўқув жараёнига татбиқ этилмас экан, таълим соҳасидаги ўсиш, юксалиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу боис қарорда "...олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар негизида ўқув жараёнининг ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш"га эътибор қаратилгани соҳа ривожида алоҳида аҳамият касб этиши тайин.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Ватанимиз равнақи йўлида қўйилган навбатдаги залворли қадам, дейиш мумкин. Бу қарор, шубҳасиз, мамлакатимиз олий таълим тизимида юксалишнинг янги уфқларини очади.

**Нурбой ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети профессори.**

## МАДАНИЯТ хабарлари



***УРГАНЧ шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти танловининг вилоят босқичи ўтказилди.***

### Ниҳоллар кўкка бўй чўзади

Унда эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати йўналишлари бўйича 47 нафар истеъдодли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Якуний натижаларга кўра, 11 нафар йигит-қиз ўз йўналиши бўйича ғолиб деб топилиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Марғилонда аския байрами

***МАРҒИЛОНда аския ва қизиқчиларнинг анъанавий республика танлови бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан санъаткорлар қатнашган ушбу кулги фестивалида иштирокчилар ўз истеъдод ҳамда маҳоратларини намойиш қилдилар.***

Якунда Марғилон шаҳар маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган "Қўшнилар" жамоаси чиқишлари муносиб баҳоланди. Аския ижрочилари орасида андижонлик сўз усталарига тенг келадигани топилмади. Шунингдек, хоразмлик санъаткорлар томонидан ижро этилган турли дастурлар ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Ғолиблар кўрик-танлов ташкилотчиларининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Барҳаёт анъаналар»

***САМАРҚАНДда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, ҳаваскор санъат ва фольклор дасталари ўртасида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида "Барҳаёт анъаналар" фестивали бўлиб ўтди.***

Бой тарихимиз ва анъаналаримизни тараннум этишга, ўқувчи-ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга қаратилган мазкур танловда 10 та жамоа ўзаро беллашди.

Қизғин ва кўтаринки руҳда ўтган тадбирда Пайшанба маиший хизмат коллежининг "Сарбоз" фольклор дастаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Эндиликда ушбу жамоа фестивалнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Аёл матонати

***Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги ҚАШҚАДАРЁ вилояти мусиқали драма театрида "Яраланган оққуш" номли янги асар премьераси намойиш этилди.***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов саҳналаштирган ушбу спектаклда ўзбек аёлининг ҳаёти, матонати қизиқарли саҳна кўринишлари орқали очиб берилган. Жумладан, аёлларнинг матонати, орзу-армонлари акс эттирилган спектаклда "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" ғояси илгари сурилган.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан саҳналаштирилган ушбу асар театр ихлосмандлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ноёб топилма

***Қадимшунослар СУРХОНДАРЁ тупроғини дунё тарихининг ноёб, бетакрор саҳифасига менгзашади. Бу заминдан топилган неандерталь боланинг бош суяги, тўрт минг яшарлик Жарқўтоннинг сопол қувурлари, Кушон салтанатида ясалган шахмат доналари, подшолик муҳрлари мазкур саҳифанинг олтин сатрларидир.***

Яқинда Бойсун тумани ҳудудидаги Қўрғонзол қалъасида милоднинг IV асрига мансуб сопол ванна бўлаклари топилди. Бу эса тарих саҳифаларининг янги қатларини тадқиқ қилишда катта имкониятлар эшигини очди. Термиз археология музейи илмий ходимлари 50х60х131 сантиметр ўлчамдаги ушбу ванна синиқларини тиклаб, уни деярли асл ҳолига келтирдилар. Музейнинг эллинизм даври маданияти залига намойишга қўйилган мазкур ашё ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айтиш жоизки, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан очилган Археология музейининг экспонатлари кейинги 12 йилда 6 мингтага кўпайди.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

***Мамлакатимизда спортда катта ютуқларни қўлга киритиб, тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшлар жуда кўп. Шотакан каратэ-до бўйича жаҳон чемпионати кумуш медаль совриндори, деновлик Барно Мирзаева ана шундай иқтидорли қизлардан биридир.***

### ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

У ўн икки ёшидан бошлаб спортнинг мазкур тури бўйича машғулотларга қатнаша бошлади. Каратэнинг сир-асрорларини тажрибали мураббий, "қора белбоғ" соҳиби Абдурасул Хўжамиёровдан ўрганди.

Мусобақаларда бирин-кетин эришилаётган ютуқлар Барнони янада кўпроқ машқ қилишга, астойдил шуғулланишга ундарди. У Ўзбекистон чемпионати ва кубоги ҳамда Марказий Осиё чемпионатида биринчи, иккинчи ўринларни қўлга киритди. 2008 йилда мамлакат терма жамоаси сафига қабул қилинди. Ўша йили Италиянинг Жесерло шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, кумуш медаль соҳиби бўлди. 2010 йил Гонконгда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида бронза медали билан тақдирланди. Бу нуфузли мусобақалар Барно учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Барнонинг ҳаётида ёрқин из қолдирган воқеалардан яна бири, бу — 2010 йилнинг ноябрь ойида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI ёзги Осиё ўйинлари ҳисобланади. Унда қитъанинг қирқдан ортиқ мамлакатидан келган спортчилар медаллар учун кураш олиб борди. Барно саралаш босқичида Индонезия ва Вьетнам давлатлари спортчиларини енгиб, ярим финалга йўл олди. Аммо ушбу босқичда япониялик рақибига имкониятни бой бериб қўйди, лекин умидсизликка тушгани йўқ. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда фаластинлик каратэчини катта устунлик билан енгиб, бронза медалига сазовор бўлди.

— Гуанчжоудан қайтганимизда, "Тошкент" халқаро аэропортида юртдошларимиз бизни тантанали қарши олишди. Спортни ардоқлайдиган, спортчини қадрлайдиган юрт фарзанди бўлганимдан фахрландим, — дейди у. — Қўлга киритган ўттизга яқин олтин, йигирмадан ортиқ кумуш ҳамда бронза медалларим орасида Гуанчжоуда олганим мен учун жуда қадрли. Ахир Осиё ўйинлари нуфузи жиҳатидан Олимпиада ўйинларидан кейин иккинчи ўринда туради.

— Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда спортнинг ўрни нақадар беқиёс эканини Президентимиз бошчилигида ушбу соҳага қаратилаётган юксак даражадаги эътибор самаралари яққол кўрсатиб турибди, — дейди Денов тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Турғун Бердиев. — Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳатто олис қишлоқларида ҳам ҳавас қилгулик спорт мажмуалари мавжуд. Уларни зарур жиҳозлар ва инвентарлар билан таъминлашга катта куч ҳамда маблағ сарфланаяпти. Эътиборли жиҳати, бундай хайрли ишлардан ҳомийлар ҳам четда туришмаяпти. Масалан, туманимиздаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев бунёд этган спорт мажмуи бугун ёшларнинг севимли масканига айланган. Шаҳримиздаги катта спорт зали ҳам келажагимиз ворислари ихтиёрида. Барно XVI Осиё ўйинлари совриндори бўлганлигини эшитганимизда, ёшларга ғамхўр ва меҳрибон Юртбошимиз ташаббуси билан болалар спортига қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётганидан барчамиз қувондик.

Ғолибликни умид, катта ишонч ва машқлар меваси, деб ҳисоблайдиган маҳоратли спортчи қиз Барно Мирзаева айни пайтда 2012 йилда Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатига пухта тараддуд кўрмоқда.

Барнонинг отаси Мустафо ака — ўқитувчи. Курашларда доим ғолибликни қўлга киритиб келгани учун эл орасида "полвон" деган номи ҳам бор. Отаси каби спортни қадрлайдиган фарзандлар эса бугунги кунда юрт шанини ҳимоя қилишмоқда. Ўғиллари — Жамшид Самарқанднинг "Динамо" футбол жамоасида тўп суради, Ҳусниддин эса Денов спорт ва педагогика коллежи ўқувчиси.

Истиқлол ҳамма соҳа ривожига кенг имконият яратиб берди. Биргина спорт соҳасига эътибор туфайли чекка қишлоқлардан ҳам Барно сингари юрт обрўси учун нуфузли беллашувларда курашга тушадиган, дунё кезиб, Ватанимизни жаҳонга танитадиган, мусобақаларда байроғимиз баланд кўтарилганда, юрагида чексиз ғурур ҳиссини туядиган истеъдодли ёшлар етишиб чиқмоқда. Бу эса мамлакатимиз ёшлари катта имконият ва юксак салоҳият эгалари эканидан далолатдир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Спорт

**Юртимиз азал-азалдан алломалари, ақл-заковатли, маърифатли кишилари билан донг таратган. Шу боис ҳам бугунги ёш авлод ҳақида гап кетганда, "Буюк аждодларининг муносиб ворислари", дея алоҳида ҳурмат кўрсатилади.**

Истиқлол эса, том маънода, уларнинг барча соҳаларда ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этишлари учун катта имкониятлар эшигини очди. Бугун хоҳ спорт, хоҳ бошқа соҳаларда бўлсин, ёшларимиз эришаётган ютуқларни кўриб, дилингиз яйрайди.

### ҲАМЮРТИМИЗ ТУРНИР ҒОЛИБИ

Биласиз, мураккаб спорт турларидан бўлган "ақл гимнастикаси" — шахмат бўйича юксак ғалабаларни қўлга киритиш осон эмас. Аммо бугун мамлакатимизда камол топаётган иқтидорли ва маҳоратли ёшлар бунинг уддасидан чиқишмоқда. Юрт номини дунёга танитаётган ана шундай ёшлардан бири Темур Гареевдир. У яқинда АҚШнинг Чикаго шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган "Чикаго оупен — 2011" халқаро турнирида барча рақибларидан устун келди. Темур бу ғалабаси билан истиқлолимизнинг йигирма йиллигига муносиб совға ҳозирлади. Қизиғи, мазкур мусобақа ҳам жорий йил йигирманчи бор ташкил этилганди.

Турнирда ҳиндистонлик Гаури Шанкар, латвиялик Виктория Ни, америкалик Майкл Бодек, Дмитрий Гуревич, Роберт Хангаски, беларуслик Владимир Романенко, грузиялик Тамаз Гелашвили кабиларни мағлубиятга учратган ҳамюртимиз филиппинлик Жулио Садорра билан бўлган баҳсда дуранг натижа қайд этди. Якунда 7,5 очко жамғарган Темур Гареев энг яқин таъқибчилари — Пендяла Харикришна (Ҳиндистон), Роберт Хесс ва Алихандро Рамирес (АҚШ)ни ярим очкога ортда қолдирди ҳамда халқаро турнир ғолибига айланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## ОБ-ҲАВО (4 июнь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 16-21, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 17-22, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Баъзи ҳудудларда ёмғир ёғади. Тунда 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 18-23, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 17-19, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

## Шифобахш неъмат



### ИНДОВ

***Қишлоқ хўжалигидан хабардор кишилар индов ўсимлигини яхши билишади. У бутагулдошлар оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик мойли экинлардан ҳисобланади. Тик ўсади. Бўйи 20-80 сантиметргача етади. Лалмикор ерларда истеъмол мойи олиш мақсадида етиштирилган.***

Индов шифобахш хусусиятлари билан янада аҳамиятлидир. Халқ табобатида у қадимдан кенг фойдаланилади. Талоқ ва жигар фаолиятини яхшилаш, сийдик йўли ва буйракдаги тошларни майдалаш, овқат ҳазмини яхшилаш хусусиятига эга. Шунингдек, у баданда туз йиғилиши, бел оғриғини даволашда наф беради.

Индов наҳорда, яъни нонуштадан олдин ейилса, инсон аъзоларидаги нохуш ҳидларни бартараф қилади. Ҳатто деҳқончиликда индов даласидан сизиб чиққан сув билан нордон анорзор суғорилганда, анор меваси ширин бўлиши кузатилган. Унинг уруғи иссиқ сув билан ичилса, балғам кўчишини яхшилайди. Товуқ тухумининг сариғи билан ичилса, кишини семиртиради ва жинсий қувватни бардавом қилади.

Индов уруғидан терини сепкил ва доғлардан тозалашда фойдаланилади. Агар у асал билан хамир қилиб боғланса, оқ доғларни бартараф этади. Шуни ҳам унутмаслик кераакки, агар индов кўп миқдорда истеъмол қилинса, организмга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Индовнинг фойдали жиҳатлари ниҳоятда кўп. Шунинг учун уни етиштиришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун кўп меҳнат талаб этилмайди. Уруғи эрта баҳорда сепилса, июль-август ойларида пишиб етилади.

**Жуманазар МАДИЕВ,**
**олий тоифали шифокор.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Маджит Маликович Каримовга волидаи муҳтарамаси **МАТЛУБА ая ҲАМИДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси Убайдулла Розуқуловга турмуш ўртоғи **ЗАМИРАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5